

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ



Олий таълимнинг 5420100 - Фермер хўжалигини бошқариш
ва юритиш таълим йўналиши талабалари учун

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ
ТАШҚИЛ ЭТИШ
фанидан

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Андижон - 2014

Мазкур услубий кўрсатмалар 5420100 - Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг 3-боскич талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчи: катта ўқитувчи
ассистент



М.Усманов,
Н.Сафина

Такризчилар: и.ф.н. доцент
катта ўқитувчи



О.Махмудов
Б.Рахмонова

Амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар Иқтисодиёт ва бошқарув факултети услубий раёсатининг 2014 йил 26 августдаги 1-сонли баёни билан тасдикланди.

Услубий раёсат раиси: и.ф.н., доцент в.б.



М.Хожибоев

Амалий машғулотларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар Андижон кишло хўжалик институти ўқув-услубий кенгашининг 2014 йил 27 августдаги 1-сонли баёни билан тасдикланди.

Ўқув-услубий Кенгаш раиси:



Б.Тўхтамишев

КИРИШ.

Бугунги кунда мамлакатимизда қабул қилинган «Таълим тугрисида» ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» асосида олий таълим соҳасида ўзига хос ислохатлар утказилмоқда. Жумладан, ўқув жараёнида янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда, айниқса, талабаларни мустақил иш олиб боришга, мустақил фикрлашга ўргатиш бош масалага айланмоқда. Бу жараён бошқа ўқув фанлари қатори «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришини ташкил этиш» фанини ўқитиш, шу асосда талабаларда Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришини ташкил этишни шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан кўникмалар ҳосил қилишни тақазо этмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур фан бўйича амалий машғулотларни бажариш учун услубий кўрсатмалар тайёрланди.

Услубий кўрсатма ФХБ, таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Амалий машғулот мавзулари

т/р	Амалий машғулотлар мавзулари	Ажратилган соатлар
1.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илмий-услубий асослари.	2
2.	Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий-иқтисодий асослари.	2
3.	Қишлоқ хўжалик ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш	2
4.	Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш услублари	2
5.	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ихтисослашуви.	2
6.	Қишлоқ хўжалигида меъёрлаш тамоиллари.	2
7.	Қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимларни моддий рағбатлантиришни ташкил этиш	2
8.	Пахтачиликни ташкил этиш	2
9.	Пахтачиликда сув сарфини камайтиришнинг иқтисодий самарадорлиги	2
10.	Дончиликни ташкил этиш	2
11.	Сабзавотчиликни ташкил этиш	2
12.	Боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш	2
13.	Чорвачилик учун озука ишлаб чиқаришни ташкил этиш	2
14.	Чорвачиликни ташкил этиш	2
15.	Қишлоқ хўжалик корхоналарнинг моддий-техника ва иновацион таъминоти	2
16.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни иновацион технологиялар асосида ташкил этиш	2
17.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилишни ташкил этиш	2
18.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини маҳсулот турлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш	2
19.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда рентабеллик даражасини ошириш йўллари.	2
20.	Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда иновацион технологияларни қўллаш	2
	Жами	40

1. Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг илмий-услубий асослари.

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар

1. Фаннинг вазифалари
2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг вазифалари:
3. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий функционал вазифалари:
4. Нисбий минимумлар қонуни.
5. Ўсиш омилларининг биргаликдаги амал қилиш қонуни.
6. Динамик мувозанат қонуни..
7. Ўсиб боровчи ишлаб чиқариш қонуни
8. Табиий - тарихий қонуниятлар..

Жавоблар:

- А) қишлоқ хўжалигида ташкилий-ҳуқуқий шакллари танлаш, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ташкилий ва ишлаб чиқариш тизимларини илмий асослаш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдонларини ташкиллаштириш, қайси далага қандай экинлар экиш мақбулигини аниқлаш, меҳнат ва моддий ресурсларни шакллантириш;
- Б) унга мувофиқ ташқи таъсирлар катталиги ёки тизим тузилмавий ҳолати ўзгаришида бир ва бирдан кам бўлган нисбий қаршилиқ ўрнатилганда «барбод қилиш жараёни» содир бўлади. Ушбу қонуннинг амал қилиши, ташкилий тузилмалардаги «ожиз бўғин» ёки тор жой муаммоси билан боғлиқдир.
- В) ишлаб чиқаришнинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш; белгиланган вазифаларни бажариш учун меҳнат жамоаларини шакллантириш; ишлаб чиқариш режалари, шартномалар шартларини ишлаб чиқиш; меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси шаклини танлаш; ишловчиларни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашни ташкил этиш; маҳсулотлар етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш; меҳнат усуллари ва шакллари илмий асослаш, ишловчи ўринларини оқилона ташкил этиш; ишловчиларни моддий рағбатлантиришнинг самарали тизимини танлаш; ишлаб чиқариш топшириқлари, шартномалар шартларининг бажарилиши бўйича назорат тизимини ўрнатиш ва ҳоказо.
- Г) қонуннинг моҳияти ва мазмуни шундаки, агарда тизимга унинг мувозанатини бузувчи бирор-бир омил таъсир қилса, унда тизим ичидаги ушбу ўзгаришга қарама-қарши бўлган жараёнлар юз беради
- Д) моддий ва меҳнат қўйилмалари ошиши билан бир бирлик маҳсулотга бўлган харажатлар камаяди, аммо мувофиқ пропорсияга етгандан кейинги бўлган қўйилмалар харажатларнинг ошишига олиб келади.
- Е) қишлоқ хўжалигининг асосий хусусиятларидан бири – табиий омилларга, корхоналарнинг жойлашув ҳудудларига, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шароитларига боғлиқлигидир. Тўғри ташкилий қарорларни қабул қилиш, аммо олдиндан билиб бўлмайдиган ҳоллар (дўл, қурғоқчилик, эпидемия ва бошқалар), уларни ҳаётга тадбиқ этишга йўл қўймасликлари мумкин
- Ё) ушбу қонунга мувофиқ натижа миқдорига, минимум қийматга эга бўлган, бирор-бир омил эмас, балки уларнинг йиғиндиси таъсир кўрсатади. Ўзгартириш киритилганда ўсиш омилларининг ҳар бири, у қандай қийматга эгалigidан қатъий назар, натижага ўз таъсирини кўрсатади.
- Ж) қишлоқ ишлаб чиқаришини иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил қилиш ва режалаштириш масалалари фанда етакчи рол ўйнайди.

Юқоридаги саволларга мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6	7	8
Жавоблар	Ж	В	А	Б	Ё	Г	Д	Е

Мавзуга оийд бўлган тест саволларга тўғри жавобини белгиланг:

1. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари бир-биридан нима билан фаркланади.

- а) табиий омиллар, ишлаб чиқариш технологияси билан.
- б) табиий омиллар, ишлаб чиқариш технологияси, зарурий машиналар мажмуаси, билан
- в) табиий омиллар, ишлаб чиқариш технологияси, зарурий машиналар мажмуаси, меҳнат ва иш жараёнини ташкил этиш, сарафланган пул маблағлари билан.
- г) табиий омиллар, ишлаб чиқариш технологияси, зарурий машиналар мажмуаси, меҳнат ва иш жараёнини ташкил этиш билан

2. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш фани ҳақида тушунча.

- а) бу - қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат тизимининг бошқа соҳадаги ташкилотлар билан ўзаро муносабатини ифодалаб берувчи фан.
- б)бу - қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат тизимининг бошқа соҳадаги ташкилотлар билан ўзаро муносабатиди самарали фаолият кўрсатиши қонуниятлари, тамойиллари, хўжаликни юритиш тизимининг оқилона ташкил этилишини ўргатувчи фан.
- в) бу - қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат тизимининг бошқа соҳадаги ташкилотлар билан ўзаро муносабатиди самарали фаолият кўрсатиши қонуниятлари, тамойиллари, хўжаликни юритиш тизимининг оқилона ташкил этилиши ва жорий этиш қонуниятлари ҳамда қоидаларини очиб берадиган ва илмий асослайдиган фандир.
- г)бу - қишлоқ хўжалиги корхоналари ва агросаноат тизимининг бошқа соҳадаги ташкилотлар билан ўзаро муносабатиди самарали фаолият кўрсатиши қонуниятлари, тамойиллари, хўжаликни юритиш тизимининг оқилона ташкил этилиши ва жорий этиш қонуниятлари ҳамда қоидаларини очиб берадиган фандир.

3. Фанни урганиш объекти.

- а) фермер, деҳкон хўжаликлари, хиссадорлик жамиятлар ва уларни ички булинмалари.
- б) фермер хўжаликлар,
- в) деҳкон хўжаликлар,
- г) хиссадорлик жамиятлар.

4. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш фанининг предмети нимадан иборат.

- а)қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни илғор тажрибалари асосда ташкил этилиши масалаларидан иборатдир.
- б)қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни илғор тажрибалари ва илмий асосда ташкил этилиши масалаларидан иборатдир.
- в)қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этилиши масалаларидан иборатдир.
- г)қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этилиши масалаларидан иборатдир.

5.Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришини ташкил этиш фани қайси элементларни уйғун сифатида ўрганилади.

- а) техника, технология ва ишлаб чиқаришни бирлигида ўрганади.
- б) техника ва технологияни бирлигида ўрганади.
- в) техникани ўрганади.
- г) техника, технология, меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқаришни бирлигида ўрганади.

6.“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш”қандай фанлар гуруҳига қиради.

- а) техник,
- б) технологик,
- в) иқтисодий,
- г) ижтимоий.

7.Иқтисодий эркинлаштириш йўналишлари:

- а) хусусийлаштириш, эркин тадбиркорлик.

б)хусусийлаштириш, эркин тадбиркорлик, иқтисодий муносабатларни бошқариш механизми сифатида рақобатни ривожлантириш.

в) хусусийлаштириш, эркин тадбиркорлик,

г) иқтисодий муносабатларни бошқариш механизми сифатида рақобатни ривожлантириш, мулкчиликни ташкил этиш.

8.“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш” фанининг вазифалари

а) қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотлар, тажрибаларни умумлаштириш асосида, мавжуд қонуниятлар ва тамойилларга мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналарининг оқилона, энг самарали ва мақбул тузилиши бўйича илмий қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

б) қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотлар, тажрибаларни умумлаштириш асосида, амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

в) қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотлар, тажрибаларни умумлаштириш асосида, мавжуд қонуниятлар ва тамойилларга мувофиқ амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

г) қишлоқ хўжалигига доир тадқиқотлар, тажрибаларни умумлаштириш асосида, мавжуд қонуниятлар ва тамойилларга, меёрий хужатларга асосан илмий қоидалар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

9.Фанни ўрганишда фойдаланидиган тадқиқот усуллари.

а) индукция ва дедукция усуллари.

б) индукция усули, хронометраж, фотохронометраж усули

в) индукция усуллари, хронометраж усули

г) хронометраж усули, фотохронометраж усули.

10.Фанни ўрганишда фойдаланиладиган иқтисодий усуллар.

а)таҳлил, монография, абстракт-мантикий, иқтисодий статистик, экспериментал (тажриба), ҳисоб китоб (режа) конструкция усули, математик моделлаш усули,

б) монография, абстракт-мантикий, иқтисодий статистик, экспериментал (тажриба), ҳисоб китоб (режа) конструкция усули,

в)таҳлил, монография, абстракт-мантикий, иқтисодий статистик, экспериментал (тажриба), ҳисоб китоб (режа) конструкция усули, баланс, математик моделлаш усули,

г)таҳлил, монография, абстракт-мантикий, иқтисодий статистик, экспериментал (тажриба), ҳисоб китоб (режа) конструкция, баланс, кирим-чиким, математик моделлаш усули,

11.Аграр соҳанинг ўзига хос хусусиятлари:

а) қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришлар фермер хўжаликлар ҳисобига амалга оширилиши; ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши; ишлаб чиқариши табиий шароитларга боғлиқлиги; маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятларини камлиги;

б) қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришлар фермер хўжаликлар ҳисобига амалга оширилиши;

в) қишлоқ хўжалигида ерни ишлаб чиқариш воситаси сифатида ишлатилиши;

г) қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши табиий шароитларга боғлиқлиги; маҳсулотни диверсификация қилиш имкониятларини камлиги;

12.Қонуният деганда нима тушунилади.

а)жамият ҳаёти ёки хўжалик жараёнларидаги ҳодиса ва воқеаларнинг қайтариладиган ва бирор-бир аҳамиятга эга бўлган алоқаси тушунилади.

б) жамият ҳаёти ёки хўжалик жараёнларидаги ҳодиса ва воқеаларнинг қайтарилиши,

в) хўжалик жараёнларидаги ҳодисаларни қайтарилиши.

г) жамият ҳаётида воқеаларнинг қайтарилиши.

13.Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тааллуқли бўлган қонунлар.

а) Табиий - тарихий қонуниятлар. Техник ва технологик қонуниятлар. Ташкилий қонуниятлар Иқтисодий ва ижтимоий қонуниятлар. Экологик қонуниятлар. Бозор муносабатларининг қонуниятлари.

б) Ўсиш омилларининг биргаликдаги амал қилиш қонуни. Динамик мувозанат қонуни. Ўсиб боровчи ишлаб чиқариш қонуни Табиий - тарихий қонуниятлар. Техник ва технологик қонуниятлар. Ташкилий қонуниятлар Иқтисодий ва ижтимоий қонуниятлар. Экологик қонуниятлар. Бозор муносабатларининг қонуниятлари.

в) Нисбий минимумлар қонуни. Ўсиш омилларининг биргаликдаги амал қилиш қонуни. Динамик мувозанат қонуни. Ўсиб боровчи ишлаб чиқариш қонуни Табиий - тарихий қонуниятлар. Техник ва технологик қонуниятлар. Ташкилий қонуниятлар Иқтисодий ва ижтимоий қонуниятлар. Экологик қонуниятлар.

г) Нисбий минимумлар қонуни. Ўсиш омилларининг биргаликдаги амал қилиш қонуни. Динамик мувозанат қонуни. Ўсиб боровчи ишлаб чиқариш қонуни Табиий - тарихий қонуниятлар. Техник ва технологик қонуниятлар. Ташкилий қонуниятлар Иқтисодий ва ижтимоий қонуниятлар. Экологик қонуниятлар. Бозор муносабатларининг қонуниятлари.

14.Қишлоқ хўжали ишлаб чиқариш тамойиллари.

а)Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш. Бошқарувнинг номарказлашуви Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг режалилиги. Ишлаб чиқариш омилларининг мувозанатлашуви. Мажмуавийлик ва интеграция, Динамиклик. Хилма-хилликни чекланиши.

б)Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш. Бошқарувнинг номарказлашуви Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг режалилиги.

в)Ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг режалилиги. Ишлаб чиқариш омилларининг мувозанатлашуви. Мажмуавийлик ва интеграция, Динамиклик. Хилма-хилликни чекланиши.

г) Мажмуавийлик ва интеграция, Динамиклик. Хилма-хилликни чекланиши.

2. Мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ташкилий-иқтисодий асослари.

Фермер хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли корхона ва ташкилотлар хизматидан фойдаланади. Уларнинг аксарияти техника, ўғит, ёнилғи ва шу каби ресурслар етказиб берса, бошқалари маҳсулотни қайта ишлаш учун сотиб олади ва ижтимоий хизмат кўрсатади. Ана шу тоифадаги корхоналарни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро бозор муносабатларини амалга оширувчи, уларга кўмаклашувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир.

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар.

1. Агрофирманинг мол-мулки нималардан иборат бўлиши мумкин?
- 2.Агросаноат фирмаларини шакллантириш тамойиллари.
- 3.Агрофирманинг асосий вазифалари нималардан иборат?
4. Агрофирманинг ҳуқуқлари.
5. Агрофирма мажбуриятлари:
6. Агрофирманинг мол- мулки:

Жавоблар:

А)шартнома асосида зарурий ишлаб чиқариш воситалар билан таъминлаш; турли хизматларни бажариш ва ташкил этишда ёрдам кўрсатиш. маслаҳатлар бериш; юқори ҳосил берадиган, сифатли қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва мевали кўчатлар билан таъминлаш; бизнес-режалар тузишда хизмат кўрсатиш; алмашлаб экишни жорий этиш бўйича маслаҳат бериш; техника воситаларини таъмирлашда хизмат кўрсатиш; улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш; тара-идишлар таъминотини ва транспорт хизматини кўрсатиш; брокерлик, воситачилик хизматини кўрсатиш; маҳсулотни қайта ишлаш ва сотиш экспорт билан шуғулланиш;

Б) ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва қайта ишлаш; етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун шартномалари тузиш; аҳолидан маҳсулотларни харид қилиш; етиштирилаётган маҳсулотга ва бажарилаётган ишларга мустақил нарх белгилаш; олинган даромадни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш; кредитларни шартнома асосида жалб этиш; ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш.

В) устав фондига қўшилган мол-мулк; ишлаб чиқаришган маҳсулотлар; товарларни сотиш, ишларни бажаришдан олинган даромад; қимматли қоғозлари; сотиб олинган технология, асбоб-ускуналар, бинолар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари ҳамда бошқа мол-мулк;

Г) ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш; тузилган шартномалар шартларини бажариш; солиқлар ва мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш.

Д) устав фондига қўшилган мол- мулк; ишлаб чиқариш натижасида олинган маҳсулотлар; олинган даромадларлар; хайрия ва эҳсонлар; сотиб олинган восита ва асбоб-ускуналар, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари; жалб этилган маблағлар; кредиторлар дивидентлар;

Е) агрофирмалар ихтиёрий асосда ташкил этилади; агрофирмалар исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин; агрофирмалар ўзаро муносабатлари шартнома асосида амалга оширади; агрофирмалар шартномадан отикча етиштирилган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ўз хоҳишига кўра ички бозорда сотади ва экспорт қилади.

Юқоридаги саволларга мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6
Жавоблар	д	е	а	б	г	

Мавзуга оид бўлган тест саволларга тўғри жавобини белгиланг:

1. Агрофирмалар қандай фаолият билан шуғулланадилар?

- а) деҳқончилик маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш, экспорт қилиш;
- б) деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш;
- в) аҳоли етиштирган маҳсулотларни сотиб олиш ва сақлаш;
- г) деҳқончилик маҳсулотларини сотиб олиш,

2. Агрофирма фаолиятининг асосий мақсади нимадан иборат?

- а) фермер хўжаликларни ташкил этиш;
- б) ҳудуддаги фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, экспорт қилиш ҳамда бошқа турдаги хўжалиқ фаолиятини амалга оширишдан даромад олишдир;
- в) ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- г) бошқа фаолиятлардан даромад олиш,

3. Агрофирма мажбуриятлари нималардан иборат?

- а) ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- б) маҳсулотни сотиб олиш юзасидан фермер ва деҳқон хўжаликлари билан фючерс шартномалари тузиш; аҳолидан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни харид қилиш; етиштирилаётган маҳсулотга ва бажарилаётган ишлар (кўрсатилаётган хизматлар)га мустақил нарх белгилаш;
- в) ҳудуддаги фермер хўжаликлариغا хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, экспорт қилиш ҳамда бошқа турдаги хўжалиқ фаолиятини амалга оширишдан даромад олиш;
- г) ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш; тузилган шартномалар шартларини бажариш; солиқлар ва мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлаш.

4. Агрофирмалар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин, агар унинг таъсисчилари сони 50 кишигача бўлса?

- а) маъсулияти чекланган жамият шаклида,
- б) қонунда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда;
- в) хусусий тадбиркор шаклида;
- г) корпорация шаклида.

5. Оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган оилавий майда товар хўжалиги қандай номланади?

- а) деҳқон хўжалиги;
- б) фермер хўжалиги;

- в) ширкат хужалиги;
- г) агрофирма.

6. Дехқон хўжалиги бошлиғи қандай ҳуқуқларга эга?

- а) дехқон хўжалиги номидан ишончнома билан иш кўриш;
- б) шартномалар тузиш.
- в) дехқон хўжалиги номидан ишончномасиз иш кўриш; юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш; ишончномалар бериш; банкда ҳисоб варақлар очиш.
- г) юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш; ишончномалар бериш; банкда ҳисоб варақлар очиш.

7. Танлов асосида ва ижара шартномасига кўра узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект қандай номланади?

- а) дехқон хўжалиги;
- б) фермер хужалиги;
- в) ширкат хужалиги;
- г) агрофирма.

8. Фермер хўжалигининг мақсадлари нималардан иборат?

- а) ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- б) қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш;
- в) даромад олиш;
- г) товар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш йўли билан даромад (фойда) олиш, ўзининг ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларини қондириш.

9. Фермер хўжалигининг вазифалари нималардан иборат?

- а) ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш;
- б) ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш; мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сотиш, шунингдек хизматлар кўрсатиш; тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш; юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва бошқалар.
- в) ажратилган ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш; мустақил равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш,
- г) тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш; юридик ва жисмоний шахсларга пулли хизматлар кўрсатиш; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва бошқалар

10. Фермер хўжалиги раҳбари ким ҳисобланиши мумкин?

- а) фермер хўжалигининг муассиси бўлган, 18 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака оширган ва иш тажрибасига эга бўлиши.
- б) фермер хўжалигининг муассиси бўлган, 24 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака оширган ва иш тажрибасига эга бўлиши.
- в) 30 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака оширган ва иш тажрибасига эга бўлиши.
- г) 35 ёшга тўлган, муомалага лаёқатли, қишлоқ хўжалигида тегишли малака оширган ва иш тажрибасига эга бўлиши.

11. Фермер хўжалигига давлат томонидан ер участкалари қандай берилади?

- а) ҳадя этилади;
- б) хусийлаштириб берилади;
- в) сотилади;
- г) танлов асосида ижарага берилади.

12. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги бизнес-режасида назарда тутилган камида нечта шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади?

- а) 25 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади.
- б) 35 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади.

в) 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади.

г) 50 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади.

13. Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда:

а) суғориладиган ерларда-камида 0.30 гектарни;

б) суғориладиган ерларда-камида 0.35 гектарни;

в) суғориладиган ерларда-камида 0.20 гектарни;

г) суғориладиган ерларда-камида 0.10 гектарни;

3. Мавзу: Қишлоқ хўжалик ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар.

1. Қишлоқ хўжалигида ер ўзига хос хусусиятлари.

2. Ерни қандай баҳолаш услубларини биласиз?

3. Ўзбекистон Республикасида Давлат ер кадастри ҳақида тушунча.

4. Ўзбекистон Республикасининг сув ресурслари нималардан иборат?

5. Миллий сув ресурслари қандай сув ресурсларидан иборат?

6. Трансчегара сув ресурслари қандай сув ресурсларидан иборат?

Жавоблар:

А) булар икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудида жойлашган, гидравлик трансчегара дарёлари билан боғланган, шунингдек, сунъий (антропоген) сув ҳавзаларидан;

Б) қайта тикланадиган табиий ер ости ва ер усти ҳамда антропоген асосли қайтиб келувчи сувлардан иборат;

В) ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий қоидалари ҳақида зарурий ва ишончли маълумотлар, ер участкаларининг жойи ва ўлчамлари, уларнинг сифатий тавсифлари, эгалари, ердан ҳуқуқий фойдаланиш режими, баҳоси ва ҳ.з.лардан иборат тизимни ифода этади.

Г) ўз ичига маҳаллий дарё сувлари, ер ости ва қайтиб келадиган сувлардан, шунингдек, бир мамлакат чегарасида пайдо бўладиган сувлардан иборат.

Д) сотишларни таққослаш услуги, сотилган участкага нисбатан реал участкани тавсифларини инобатга олшан ҳолда нарҳини аниқлаш

Е) ер инсон меҳнатининг маҳсули эмас; ер макон жихатидан чегараланган, ерни ишлаб чиқариш воситалар билан алмаштириш мумкин эмас. ердан тўғри фойдаланилса, унумдорлиги ошиб боради. ер участкаларини унумдорлиги бир хил эмас.

Юқоридаги саволларга мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6
Жавоблар	е	д	в	б	г	а

Мавзуга ойд бўлган тест саволларга тўғри жавобини белгиланг:

1. Қишлоқ хўжалиги корхонаси ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ер, меҳнат, моддий, техник манбалари (бойликлари) биргаликда нимани ташкил этади?

а) ресурс имкониятини ташкил қилади.

б) иқтисодий ресурсларни;

в) табиий ресурсларни;

г) ижтимоий ресурслар,

2. Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ерлар деб нимага айтилади?

а) ер фондига;

б) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига ажратилган, шунингдек шу мақсадларда ҳудудий режалаштиришга мувофиқ белгиланган ер майдонлари;

в) экин майдонига;

г) суғориладиган ерлар.

3. Қишлоқ хўжалиги ерларига қандай ерлар киради?

- а) кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар;
- б) ҳайдаладиган ерлар;
- в) ер фонди;
- г) ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйлов-ўтлоқлар киради.

4. Илгари ҳайдаладиган бўлган, аммо бир йилдан ортиқроқ муддат ичида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун турли уруғларни экишда фойдаланилмайдиган ер майдонлари қандай аталади?

- а) суғориладиган ерлар;
- б) токзорлар;
- в) бўз ерлар;
- г) суғорилмайдиган ерлар.

5. Ўзбекистон Республикасида ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий қоидалари ҳақида зарурий ва ишончли маълумотлар, ер участкаларининг жойи ва ўлчамлари, уларнинг сифатий тавсифлари, эгалари, ердан ҳуқуқий фойдаланиш режими, баҳосидан иборат тизим қандай номланади?

- а) давлат ер кадастри;
- б) давлат ер фонди;
- в) Ер туғрисидаги қонун;
- г) ер маълумотномаси.

6. Давлат ер кадастри муассасаларда қандай ҳужжатлар ерни ҳисобга олишнинг асосий ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади?

- а) ер тизими ҳақидаги китоби;
- б) ер маълумотномаси;
- в) Давлат акти;
- г) ерга мулкчилик, эгалик ва фойдаланиш ҳақида Давлат акти ҳамда ер тизими китоби ҳисобланади.

7. Қишлоқ хўжалигида ер эгасининг ерга эгалик қилишдан олган даромади қандай номланади?

- а) фоиз;
- б) ер рентаси;
- в) иш ҳақи;
- г) барча жавоблар туғри.

8. Ер қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қандай функцияни бажаради?

- а) ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш учун жой ва ишлаб чиқаришнинг асосий омили;
- б) ишлаб чиқаришнинг асосий омили;
- в) асосий ва оборот фондлар вазифасини бажаради;
- г) ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш учун жой.

4. Мавзу: Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш услублари.

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар.

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини ўрганишда қандай иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади?
2. Молиявий натижаларни бошқариш жараёнида иқтисодий таҳлил қандай вазифаларни бажаради?
3. Молиявий натижаларни бошқаришда иқтисодий таҳлил этиш жараёнида қандай фойда кўрсаткичлари ишлатилади?
4. Маҳсулот таннархи ҳақида тушунча.
5. Ишлаб чиқариш таннархи.
6. Тўлиқ таннарх ҳақида тушунча
7. Очиқ харажатлар деб қандай харажатларга айтилади?
8. Яширин харажатлар деб қандай харажатларга айтилади?

Жавоблар:

А) ҳисобот кўрсаткичларини режада маълумотлари билан таққосланади; ҳисобот йил натижаларини ўтган йиллардаги маълумотлари билан солиштирилади; ишлаб чиқариш йўналишида бир неча йил давомида ўзгаришлар динамикаси аниқланади; эришган натижаларни туман, вилоят ва республика бўйича фермер хўжаликлари иш натижалари билан солиштириш.

Б) молиявий натижаларнинг шаклланиши устидан мунтазам назорат юритиш; ҳам объектив ва ҳам субъектив омилларнинг молиявий натижаларга таъсирини аниқлаш; фойда миқдори ва рентабеллик даражасини ошириш имкониятларини аниқлаш, ҳамда уларни башорат этиш, фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларидан фойдаланиш бўйича корхона ишини баҳолаш; аниқланган имкониятларни тадбиқ, этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

В) маржинал фойда, маҳсулот, товар, хизматлар сотилишидан олинadиган фойда, солиққа тортилганга қадар умумий молиявий натижа, солиққа тортилувчи фойда; соф фойда; капиталлаштирилган (тақсимланмаган) фойда; истеъмолдаги фойда.

Г) хўжаликнинг маҳсулотни етиштириш ва уни реализация этиш учун қилинган барча харажатларининг пул шаклида ифодаланган йиғиндисидир.

Д) маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида сарифланган харажатларни қийматдаги йиғиндиси.

Е) маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш билан боғлиқ бўлган қийматдаги йиғиндиси.

Ё) корхонанинг ишлаб чиқариш омилларига тўлаш учун кетган харажатлар.

Ж) корхонанинг хусусий мулки бўлган омиллардан фойдаланиш учун кетган муқобил чиқимлар.

Юқоридаги саволларга мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6	7	8
Жавоблар	а	б	в	г	д	е	ё	ж

Мавзуга оид бўлган тест саволларга тўғри жавобини белгиланг:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолиятини ўрганишда таҳлил услубига кўра қандай усуллардан фойдаланилади?

а) статистик гуруҳлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш усуллари, математик усуллар;

б) таққослаш, текшириш, маълумотларни ишлаб чиқариш, статистик гуруҳлаш, ўртача ва нисбий кўрсаткичлар, занжирли боғланиш усуллари, математик усуллар ва ҳоказолардан фойдаланилади;

в) индукция ва дедукция усуллари;

г) молиявий натижаларни таҳлил қилиш.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг молиявий натижалари қандай кўрсаткичлар билан характерланади?

а) фойда миқдори ва рентабеллик даражаси билан;

б) рентабеллик ва даромад билан;

в) даромад, фойда миқдори ва рентабеллик даражаси билан;

г) рентабеллик даражаси билан.

3. Ўртача сотиш нархлари даражасининг ўзгариши фойдага(жумлани давом эттиринг).

а) тескари пропорционал;

б) тўғри пропорционал;

в) боғлиқ эмас;

г) тескари ва тўғри пропорционал.

4. Қандай харажатлар бевосита (асосий) харажатлар дейилади?

а) хўжаликни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

б) деҳқончилик тармоқларида бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар; уруғлик ва кўчатлар, ёнилги ва мойлаш материаллари, захарли моддаларнинг қиймати;

- в) маълум маҳсулотни етиштиришга сарфланган харажатлар бўлиб, улар маҳсулотнинг таннархига бевосита кўшилиши мумкин;
- г) чорва молларига қарашда бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тарзида тўланадиган харажатлар, чорвачилик бинолари, машиналар, инвентарлар ва асбоб-ускуналарнинг қиймати.

5. Дехқончиликнинг бевосита харажатларига қандай харажатлар қиради?

- а) дехқончилик тармоқларида бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- б) уруғлик ва кўчатлар, ёнилги ва мойлаш материаллари, заҳарли моддаларнинг қиймати; тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг амортизацияси;
- в) ишлаб чиқариш бинолари, машиналар ва инвентарларни жорий таъмирлаш, автотранспорт, электростанция ва ҳақазолар томонидан кўрсатилган хизмат ва бажарилган ишнинг қиймати.
- г) ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, уруғлик ва кўчатлар, ёнилги ва мойлаш материаллари, заҳарли моддаларнинг қиймати; таъмирлаш харажатлари, амортизацияси;

6. Чорвачиликнинг бевосита харажатларига қандай харажатлар қиради?

- а) чорва молларига қарашда бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тарзида тўланадиган харажатлар,
- б) чорвачилик бинолари, машиналар, инвентарлар ва асбоб-ускуналарнинг қиймати,
- в) ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматининг қиймати ва ҳақазолар.
- г) ем-хашак, дори-дармон, иш ҳақи, амортизация, жорий таъмирлаш харажати,

7. Билвосита харажатлар деб қандай харажатларга айтилади?

- а) ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- б) дехқончилик тармоқларида бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар; уруғлик ва кўчатлар, ёнилги ва мойлаш материаллари, заҳарли моддаларнинг қиймати;
- в) маълум маҳсулотни етиштиришга сарфланган харажатлар бўлиб, улар маҳсулотнинг таннархига бевосита кўшилиши мумкин;
- г) чорва молларига қарашда бевосита банд бўлган ишловчилар меҳнатига ҳақ тарзида тўланадиган харажатлар, чорвачилик бинолари, машиналар, инвентарлар ва асбоб-ускуналарнинг қиймати.

8. Умумий даромад билан очиқ харажатлар ўртасидаги фарқ нима деб аталади?

- а) иқтисодий даромад;
- б) молиявий даромад;
- в) бухгалтерия даромади;
- г) ўртача даромад.

9. Корхонанинг умумий даромади билан барча очиқ ва яширин харажатлари ўртасидаги фарқ нима деб аталади?

- а) иқтисодий даромад;
- б) молиявий даромад;
- в) бухгалтерия даромади;
- г) ўртача даромад.

10. Ягона ер солиғни солиш объекти бўлиб нима ҳисобланади?

- а) ер фонди;
- б) қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси майдони;
- в) қишлоқ хўжалик ерлари;
- г) ҳайдаладиган ерлар.

5. Мавзу: Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви.

Ихтисослаштириш- бозор талабини ҳисобга олган ҳолда хўжаликни табиий иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб, илмий асосланган, маълум турдаги маҳсулот ишлаб чиқишга йўналтирилган фаолият.

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар.

1. Ихтисослашувининг шакллари.
2. Ихтисослашув йўналиш гуруҳлари.
3. Ихтисослашув коэффиценти.
4. Хўжаликни ихтисослаштиришдан мақсад.
5. Тармоқларни мувофиқлаштиришнинг куйдаги тамойиллари.
6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши характериға кўра тармоқларни бўлиниши.
7. Асосий тармоқ ҳақида тушунча.

Жавоблар

- А). Ялпи ва товар маҳсулоти улуши жиҳатидан асосий ўринни эгаллаб, хўжалик иктисодиётининг ривожланишиға салмоқли ҳисса кўшадиган соҳа.
- Б. Асосий, кўшимча ва ёрдамчи
- В). Маблағ билан таъминлаш, тупроқ-иқлим ва иктисодий шарт-шароиларни инобатға олиш, меҳнат ресурслардан, техникадан оқилона фойдаланиш...
- Г) Ҳудудий, умум хўжалик, ички хўжалик ихтисослашув
- Д) Жами товар маҳсулот ичида ҳар бир товарни улуши
- Е)) Ўсимликчилик, чорвачилиқ.
- Ё) Хўжалик салоҳиятини маълум бир турдаги товар маҳсулот ишлаб чиқаришини кўпайтиришға, чиқимларни камайитириш, меҳнат самарадорлигини юксалтириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашдан иборат.

Юқоридаги саволларға мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6	7
Жавоблар	г	е	д	ё	в	б	а

Мавзу бўйича мисол ечиш.

Келтирилган жадвалға асосан етиштирилган экинларни товарлик даражасини ва товарлик коэффицентини аниқланг.

Товарлик даражасини аниқлаш формуласи:

$$Тд = (Ях / См) * 100$$

Бунда*

Ях- ялпи ҳосил,

Ст- сотилган маъсулот ҳажми,

100-коэффицент.

Товарлик коэффицентини аниқлаш.

$$Тк = ЖСмк / БТсмк$$

Бунда:

ЖСмк- жами сотилган маҳсулот қиймати (м сўм)

БТсмк-бирор турдаги сотилган маҳсулотни қиймати (м сўм)

т/р	Маҳсулот тури	Экин майдони (га)	Ялпи ҳосил (тонна)	Сотилган маҳсулот ҳажми (тонна)	Товарлик даражаси (%)	Сотлган маҳсулот қиймати (м сўм)	Товарлик коэффиценти
1.	Пахта	39	133,8	133.8	100,0	100885	20,6
2.	Буғдой	32	178.6	128	71,7	89600	18,3
3.	Маккажухори	15	90.4	86.4	95,6	77760	15,9
4.	Шоли	5	28.2	24.2	85,8	36300	7,4
5.	Сабзавот	7	126.3	112.5	89,1	56250	11,5
6.	Картошка	5	60.0	49.3	82,2	49300	10,1
7.	Мева	16	180.5	158.4	87,7	79200	16,2
	жами	103/16	х	х	х	489295	100,0

6. Мавзу: Қишлоқ хўжалигида меъёрлаш тамойиллари.

Саволга мос тўғри жавоб белгиланг:

Саволлар.

1. Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни ташкил қилишнинг қандай тамойилларини биласиз?
2. Меҳнатни меъёрлашни ўзгарувчан омилларга қайсилар киради.
3. Техника ва агрегатларни камров кенглигини аниқлаш усуллари.
4. Агрегатни бир соат давомида босиб ўтган масофани аниқлаш усули.
5. Асосий вақт сарфи қандай аникланади.
6. Механизация ёрдамида бажариладиган ишларни меъёрлашда нималарга эътибор қилинади.
7. Тракторнинг ҳар хил тезликда ҳаракатланиши нимага боғлиқ.

Жавоблар:

- А) келишиб олиш. Бир меъёрга ишлаш, узлуксизлик, ихтисослаштириш, пропорционаллик. Паралеллик.
- Б) конструктив камров кенглигига, агрегатни бориб келиш сонига ва икки қозик белгиси ёрдамида аниқлаш.
- В) жами босиб ўтилган масофани, шу масофани босиб ўтиш учун сарифланган вақтга нисбати орқали.
- Г) смена вақтидан – ишга тайёргарлик кўриш, яқунлаш, хизмат қилиш, дам олиш, шахсий ишларни бажариш, агрегатни қайрилтириб олиш, уруғни ёки минерал ўғитни солиб туриш, бир ердан иккинчи ерга кўчиб ўтиш учун сарифланган вақтлар чегириб олинади.
- Д) меҳнат предметини ҳолатига, воситалардан фойдаланиш коэффициентига.
- Е) тупроқнинг оғир-енгиллиги, даланинг хажми, даланинг ўзунлиги, тупроқнинг солиштирма қаршилиги ва тракторнинг тортиш қаршилигига боғлиқдир.
- Ж) ташкилий шароитлар, меҳнатни ташкил этиш шакллари, ишни 1,5-2 сменада ташкил этиш шароити, ерга ишлов беришда унинг чуқурлик даражаси, қатор оралиғининг кенглиги, тупроқнинг намлик даражаси, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий шароитларни, механизаторларнинг меҳнат ва дам олиш шароитини, ҳақ тўлаш ҳамда санитария - гигиена шароитлари.

Юқоридаги саволларга мос келадиган тўғри жавобларни белгиланг.

Саволлар	1	2	3	4	5	6	7
Жавоблар	а	ж	б	в	г	д	е

Мавзуга оид бўлган тест саволларга тўғри жавобини белгиланг:

1. Меҳнатни ташкил қилишнинг қандай асосий йўналишлари мавжуд?

- а) иш жойида меҳнатни оқилона ташкил қилиш; меҳнат шароитларини яхшилаш;
- б) меҳнат қилиш ва дам олиш режимларини тартибга солиш;
- в) бошлангич ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил қилиш;
- г) иш жойида меҳнатни оқилона ташкил қилиш; меҳнат шароитларини яхшилаш; меҳнат қилиш ва дам олиш режимларини тартибга солиш; бошлангич ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил қилиш;

2. Иш жойи хақида тушунча.

- а) бу киши меҳнат қиладиган, барча зарур ускуналар ва жихозлар билан таъминланган ҳудуддир,
- б) бу киши меҳнат қиладиган жой,
- в) бу барча зарур ускуналар ва жихозлар билан таъминланган ҳудуддир,
- г) бу киши меҳнат қилиш учун жихозлар билан таъминланган ҳудуддир,

3. Иш жойи нимани талаб этади.

- а) оқилона режалаштиришни талаб қилади,
- б) оқилона ускуналарни жойлаштиришни талаб қилади,

в) оқилона асбобларни жойлаштиришни талаб қилади

г) оқилона режалаштириш, ускуналар, асбоблар ва мосламаларни энг қўлай жойлаштиришни талаб қилади.

4. Иш жойини оқилони ташкил этишни авзаллиги,

а) вақт сарифи ортади, киши ҳаракати сусаяди, асаб таранглашади, жисмоний куч сарфи ортади,

б) қўшимча вақт сарифи ортади, киши ҳаракати раvon бўлади, асабни асрайди ва жисмоний куч сарфлашни қисқартиради.

в) ортиқча ва қўшимча вақтни сарифлашни олин олади, киши ҳаракати раvon бўлади, асабни асрайди ва жисмоний куч сарфлашни қисқартиради.

г) киши ҳаракати раvon бўлади, асабни асрайди ва жисмоний куч сарфлашни қисқартиради.

5. Меҳнат жараёнларининг таркибий қисми.

а) усуллар,

б) ҳаракатлар,

в) усул ва ҳаракатлар,

г) усул, ҳаракат, тезлик.

6. Ишлаб чиқариш ташкилотчисининг вазифаси вазифаси нимадан иборат.

а) илғорларнинг иш услубларини ҳаммага ўргатишдан, бошқалар қўллайдиган барча яхши усулларни ўргана билишдан иборат.

б) илғорларнинг иш услубларини ҳаммага ўргатишдан,

в) бошқалар қўллайдиган барча яхши усулларни ўргана билишдан иборат.

г) илғорларнинг иш услубларини бошқаларга ўргатиш,

7. Ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганиш усуллари.

а) инсонларни меҳнат жараёнидаги ҳаракат ва меҳнат усулларига қараб ўрганиш,

б) меҳнат жараёнларини алоҳида операцияларга бўлиб ўрганиш,

в) таҳлил қилиш, уни алоҳида операцияларга, ҳаракат ва меҳнат усулларига бўлиб ўрганиш бунга асос қилиб олинган.

г) таҳлил қилиш орқали ўрганиш,

8. Ишчининг меҳнатига, ташқи муҳит шароитларини таъсири қайси жавобда ўз аксини топган.

а) киши организмга, унинг физиологик фаолияти ва руҳига катта таъсир кўрсатади.

б) ишчиларнинг иш қобилиятига, меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатади.

в) киши организмга, унинг физиологик фаолияти ва руҳига,

г) ишчиларнинг иш қобилиятига, меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатади,

9. Меҳнат шароитлари ишчининг қайси ҳолатига таъсир кўрсатиш мумкин.

